



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 10 сентябрь, № 177 (6360) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Президентимиз мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида таъкидлаганидек, “Мустақиллик биз учун ҳаётимизнинг маъно-маънунини бутунлай ўзгартирган, тарихимизда янги саҳифа очган буюк воқеа бўлиб, Ватанимизни, халқимизни эски мустабид тизим кишанларидан озод қилгани, миллий демократик давлат қуриши, барча мамлакатлар ва халқлар билан тенг бўлиб, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини очиб бергани билан кадрли ва мўътабардир”.



ТИНЧЛИК ВА

ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ҚАЛҚОНЛАРИ

Дарҳақиқат, истиқлолнинг кадрини, аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Олиб борилаётган оқилона сиёсатга, кўрсатмаларга қатъий амал қилган ҳолда, юртни обод этиш йўлида бир тану бир жон бўлиб интилаётган халқимиз ўтган 24 йил мобайнида улкан ютуқларни қўлга киритди. Буни жаҳон ҳамжамияти ҳам тан олмоқда, эътироф этмоқда. Мамлакатимиз Ер юзидagi энг тез суратлар билан ривожланаётган давлат-

лар орасида бугун бешинчи ўринни эгаллагани, дунёдаги энг нуфузли халқаро иқтисодий ва ижтимоий марказларнинг охириги маълумоти бўйича, Ўзбекистон “Бутунжаҳон бахт индекси”да 158 та мамлакат ўртасида 44-погонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчи ўринни эгаллагани, шубҳасиз, барчамизга чексиз гурур ва ифтихор бағишлайди. Бугун яна янги уфқлар сари

дадил қадам ташланапти. Шаҳару қишлоқларимизда қурилиш, ободонлаштириш ишлари қизгин давом этаётди. Йирик ишлаб чиқариш субъектлари, тураржойлар, таълим муассасалари, ижтимоий инфратузилма объектлари, меҳмонхоналар, спорт иншоотлари қад ростлаяпти, боғу хиёбонлар кўркамлашиб, транспорт коммуникацияси соҳаси халқаро талаблар даражасига келтирилди. Йўлингиз тушиб Нукусга борасизми ё

Урганчи айланасизми, буёғи Бухорою Навоий, Самарқанду Жиззах, Қаршию Термиз ёки водийда бўласизми, улкан бунёдкорлик ишларидан қалбингизни ахиб бир ҳаяжон, фахр ҳисси қамраб олиши, шубҳасиз. Пойтахтимиз Ташкент эса, том маънода, мегаполис шаҳарга айланди. Шу боис ҳам файзли дастурхон атрофида, турли учрашув ва давраларда бундай янгилинишлар бот-бот тилга олинади,

мустақиллик берган имкониятлар ҳақида тўлқинланиб гапирилади. Кексаларимиз доимо дуога қўл очганида, нафақат юртимизда, балки бутун дунёда тинчлик-омонлик бўлишини сўраб, ният қилишади. Биз шундай халқимиз. Ўзгаларга ҳам фақат яхшилиқни раво кўраемиз. Мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат ҳам шундай, бу — тинчлик сиёсати!

(Давоми 4-бетда.)



Хусусий мулк ва тадбиркорликка берилаётган ҳуқуқий қафолатлар

барқарор иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилidir

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида улкан муваффақиятларга эришилди. Буни суд-ҳуқуқ тизимида қўлга киритилган натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, одил судлов институтини шакллантириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли саъй-ҳаракатларга эътибор қаратарканмиз, дунёнинг бирон давлатида бунчалик қисқа даврда демократик андозаларга мос келаётган суд тизими шакллантирилмаганига амин бўламиз.

КОНУН КУЧГА КИРДИ

Маълумки, 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида суд ҳокимияти тизимининг конституциявий асослари белгилаб берилди. Шундан буён Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонуни чикарувчи ва ижро этишчи ҳокимиятлардан, сўбик партиалардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиб келмоқда.

Қабул қилиниши билан суд ҳокимиятининг бир тармоғи сифатида ҳўжалик судлари мақоми белгилаб берилди. Айни чоғда давлатимиз иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, уларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этилиши, дахлсизлиги ҳамда давлат ҳимоясида эканлиги мустаҳкамланди. Бунинг учун эса янгича ёндашув, қудратли ҳимоя механизмлари зарур эди. Шундан келиб чиқиб, Асосий Қонунимизнинг

111-моддасида мулкчиликнинг турли шакллари асосланган корхона, муассаса ва ташкилотлар, шунингдек, тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган эътибор билан ҳўжалик судлари ҳал этиш олиш ҳўжалик суди ва ҳўжалик судлари томонидан амалга оширилиши белгиланди.

“Судлар тўғрисида”ги Қонун ҳамда Ҳўжалик процессуал кодексига биноан, Олий ҳўжалик суди иқтисодиёт соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг бузилган ёки низоллашган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ушбу жабаҳда қонунчиликни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга қаратилган вазифаларни амалга оширишдек муҳим мақомга эга бўлди.

(Давоми 2-бетда.)

Болалар манфаати — қонун ҳимоясида

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази томонидан “Бола ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқий механизмларни амалга ошириш тизимини такомиллаштириш” мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ҳамда идоралар, таълим ва илмий муассасалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ДАВРА СУҲБАТИ

Таъкидланганидек, мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда инсон манфаатлари, шу жумладан, бола ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси ва унинг иккита факультатив протоколи иштирокчиси сифатида мазкур

ҳужжатларнинг барча қоидага тўлиқ амал қилиб келмоқда. Ушбу Конвенция қоидалари миллий қонунчилигимизга ҳамда давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятига илҳомчилик билан имплементация қилинди.

Шуларга мос равишда истиқлол йилларида 100 дан зиёд норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар — Ўзбекистон Республикасининг

Конституцияси, бир қатор қонун ҳужжатлари, Президент Фармон ва қарорлари ҳаётга татбиқ этилди. Бу борада, айниқса, “Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида”-ги Қонун муҳим дастурий-амал бўлиб хизмат қилаётди. Мазкур ҳужжатда Конвенция қоидалари эътироф этилгани ҳолда, улар янада такомиллаштирилди. Яъни ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг оилавий муҳит ва жамиятга интеграциялашуви, тураржойи, ижтимоий ҳимояси ҳамда таълим олиши билан боғлиқ ҳуқуқлари ҳам қафолатланди.

(Давоми 2-бетда.)

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2015 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси яқунлари кўриб чиқилди.

Аҳоли фаровонлигини юксалтириш — устувор вазифа

Чунончи, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида мазкур масала юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи тинланди. Унда парламент қўйи палатаси депутатлари, вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари, мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 16 январда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижроси 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодиётимизнинг тармоқ ва соҳаларида барқарор ривожланиши, иқтисодий кўрсаткичларнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаш, макроиқтисодий барқарорлиқни таъминлаш имконини берди. Натижада ярим йиллик яқунлари-

га кўра, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати 8,1 фоизни ташкил этди. Шу жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,1, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,5, капитал қурилиш 18, чакана савдо айланмаси 14,8, хизматлар ҳажми 13,1 фоиз ўсишига эришилди.

Йиғилишда юртимизда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ҳамда рақобатбардошлигини ошириш, ташқи бозорда харидорғир маҳсулот ишлаб чиқарадиган янги қувватларни ташкил этишни рағбатлантириш, худудларнинг саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришга қаратилган фаол инвестицион сиёсат олиб борилаётганига алоҳида эътибор берилди.

(Давоми 2-бетда.)

ФОРУМ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Болаларни ёзги дам олдириш ҳамда соғломлаштириш ташкилотчиларининг Республика форуми ўтказилди.

Мавсум яқунларига бағишланди

Унда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар мутасаддилари, болалар соғломлаштириш оромгоҳлари раҳбар ва ходимлари, ҳамкор ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мустақилликнинг илк йиллариданоқ баркамол авлоднинг тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, ёшларимизнинг интеллектуал ривожланиши, маънавий ва жисмоний камолоти йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Болаларни ёзги дам олдириш ҳамда соғломлаштириш йўналишидаги тадбирлар ҳам ана шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлidir. Бу борада, айниқса, давлат ва жамоат ташкилотларининг изчил ҳамкорлиги ўз самарасини бермоқда.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида болаларни дам олдириш ва соғломлаштириш концепцияси асосида ушбу йўналишдаги ишлар сифати оширилгани, оромгоҳлар фаолияти бугунги талаб даражасида йўлга қўйилгани қайд этилди. Натижада оромгоҳлар нафақат жисмоний соғломлаштириш масканлари, балки болалар маънавиятини юксалтириш ҳамда интеллектуал салоҳиятини ошириш марказлари сифатида ҳам ўзини намойён этмоқда.

Бу йилги мавсумда республика бўйича 1167 та болалар соғломлаштириш оромгоҳи, шу жумладан, 213 та стационар, 795 та кундузги, 141 меҳнат ва дам олдириш оромгоҳлари фаолият олиб борди. Уларда 300 минг 372 нафар бола соғломлаштирилди.

(Давоми 2-бетда.)

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимизда кенг поласали фойдаланиш учун мўлжалланган

1050

километрдан зиёд оптик-тонали тармоқлар барпо этилиб, захирага олинди.

2013 — 2020 йилларда телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида амалга оширилган бундай кенг қўламли ишлар ишлаб чиқариш жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, алоқа хизматлари кўрсатиш тезлиги ва сифатини янада ошириш имконини берди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

